

## ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИ ВА УСУЛЛАРИ

**Урумбаева Айгуль Нагметовна**

*Ажиниёз номидаги Нукус ДПИ доценти, педагогика фанлари номзоди*

**Аннотация:** Маколада таълим муассасаларида ижтимоий педагогнинг касбий фаолияти ва усуллари мавзуси тадқиқ ва таҳлил қилинади. Жумладан, рус ва ўзбек олимларининг фикрига кўра, замонавий мактаблардаги ижтимоий педагогнинг касбий фаолияти "кейс-менежмент" (индивидуал ҳолатни бошқариш) технологиясига асосланиши шарт эканлиги таъқидланади. Чунки у ўқувчини шунчаки жазоламайди ёки унга панд-насиҳат қилмайди, балки муаммонинг илдизини биргаликда таҳлил қилиб, болани қутқаришнинг индивидуал маршрутини (картасини) ишлаб чиқади. Бундай мураккаб вазифаларни (хусусан, «кейс-менежмент» технологиясини амалиётда қўллаш ва ўқувчини қутқаришнинг индивидуал маршрутини ишлаб чиқишни) муваффақиятли амалга ошириш учун ижтимоий педагогдан юксак касбий лаёқат талаб этилади.

**Калит сўзлар:** таълим муассасаси, мактаб, ижтимоий педагог, касбий фаолият, усуллар, «кейс-менежмент» технологияси, касбий компетентлик, вазифалар, стратегиялар, ўқувчи, шахс, ижтимоийлашув.

## ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ И МЕТОДЫ СОЦИАЛЬНОГО ПЕДАГОГА В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

**Урумбаева Айгуль Нагметовна**

*Доцент Нукусского ГПИ имени Ажинияза, кандидат педагогических наук*

**Аннотация:** В статье исследуется и анализируется тема профессиональной деятельности и методов социального педагога в образовательных учреждениях. В частности, подчёркивается, что согласно мнению российских и узбекских учёных, профессиональная деятельность социального педагога в современных школах должна основываться на технологии «кейс-менеджмента» (управление индивидуальной ситуацией). В частности, здесь педагог не сколько наказывает учащегося или даёт ему наставления, напротив анализирует корень проблемы (совместно с другими специалистами) и разрабатывает индивидуальный маршрут (карту) помощи ученику.

Для успешного выполнения таких сложных задач (в частности, применения технологии «кейс-менеджмента» на практике и разработки индивидуального маршрута помощи учащемуся) от социального педагога требуется высокий уровень профессиональной компетентности.

**Ключевые слова:** образовательное учреждение, школа, социальный педагог, профессиональная деятельность, методы, технология «кейс-менеджмента», профессиональная компетентность, задачи, стратегии, учащийся, личность, социализация.

## PROFESSIONAL ACTIVITY AND METHODS OF A SOCIAL PEDAGOGUE IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Urumbaeva Aygul Nagmetovna

*Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor of NSPI named after Ajiniyaz*

**Abstract:** *The article examines and analyzes the topic of the professional activity and methods of a social pedagogue in educational institutions. In particular, according to the opinions of Russian and Uzbek scholars, it is emphasized that the professional activity of a social pedagogue in modern schools should be based on “case management” (individual case handling) technology. This is because the pedagogue does not simply punish the student or give advice, but analyzes the root of the problem (together with the community inspector-psychologist, psychologist) and develops an individual route (map) for helping the child. To successfully implement such complex tasks (especially applying “case management” technology in practice and developing an individual support route for the student), a high level of professional competence is required from the social pedagogue.*

**Keywords:** *educational institution, school, social pedagogue, professional activity, methods, “case management” technology, professional competence, tasks, strategies, student, individual, socialization.*

Маълумки, ижтимоий-педагогик фаолиятнинг яна бир муҳим йўналиши бу – функционал имкониятлари чекланган (ўзига хос функционал фарқларга ва эҳтиёжларга эга бўлган) ёки оғир ижтимоий шароитда яшаётган ўқувчиларнинг ижтимоий мақомини ошириш ва уларни жамиятга интеграция қилишдир.

Рус тадқиқотчилари Т.Е. Мальцева ва С.Н. Мальцевларнинг таъкидлашича, бу тоифадаги инсонларнинг жамиятда муваффақиятли фаолият юритиши учун, энг аввало, уларнинг ижтимоий-касбий субъектлигини (мустақиллигини) тиклашга қаратилган муносабатларни ўрнатиш зарур. Бундай муносабатлар фақатгина моддий эҳтиёжларни қондиришга эмас, балки шахсий ўсишга, ўз ижтимоий ролини англашга ва фаол фуқаролик позициясини ривожлантиришга хизмат қилиши лозим [4].

Айнан интериоризация ва ижтимоийлашув эҳтиёжи ижтимоий-функционал хусусиятлари бор шахсларни касбий алоқалар ўрнатишга ва бу алоқаларни мустақамлашга ундайди. Ўз навбатида, уларни жамиятга тўлақонли мослаштириш зарурати давлат томонидан бундай инсонларнинг таълим олишини тизимли ва кафолатли қўллаб-қувватлашни тақозо этади. Бу ўринда ижтимоий педагогика ва ижтимоий иш тизимининг коррекцион (қайта тиклаш ва тўғирлаш) имкониятлари беқиёсдир. Ушбу механизмлар ўзига хос

функционал эҳтиёжлари бор бўлажак мутахассисларнинг ўқув-касбий фаолиятида ва уларнинг ўзига хос ижтимоий алоқаларини шакллантиришда энг самарали восита сифатида намоён бўлади.

Шу сабабли, замонавий мактаблардаги ижтимоий педагогнинг касбий фаолияти «кейс-менежмент» (индивидуал ҳолатни бошқариш) технологиясига асосланиши шарт. У ўқувчини шунчаки жазоламайди ёки унга панд-насихат қилмайди, балки муаммонинг илдизини (маҳалла инспектор-психологи, психолог ва маҳалла раиси билан биргаликда) таҳлил қилиб, болани қутқаришнинг индивидуал маршрутини (картасини) ишлаб чиқади.

Юқорида қайд этилган мураккаб вазифаларни (хусусан, «кейс-менежмент» технологиясини амалиётда қўллаш ва ўқувчини қутқаришнинг индивидуал маршрутини ишлаб чиқишни) муваффақиятли амалга ошириш учун ижтимоий педагогдан юксак касбий лаёқат талаб этилади. Тадқиқотчи Н.А. Бахриеванинг таъкидлашича, ижтимоий педагогнинг касбий компетентлиги — бу фақатгина назарий билимлар йиғиндиси эмас, балки кўзланган мақсаднинг аниқлигини ҳамда мутахассис ва ўқувчи (субъект ва объект) ўртасидаги алоқанинг узвийлигини таъминловчи муҳим педагогик ҳосилладир.

Мазкур компетентликнинг шаклланиши ва такомиллашуви мураккаб ва узоқ давом этадиган узлуксиз жараён ҳисобланади. Бу жараён ижтимоий педагогдан нафақат чуқур педагогик-психологик, назарий ва методик тайёргарликни талаб қилади, балки замонавий ахборотларни мунтазам ўзлаштириб боришни ҳамда соҳадаги илғор назарий ва амалий ютуқларни ўз кундалик фаолиятида тезкорлик билан, ўринли қўллай олиш кўникмасини тақозо этади [2].

Ижтимоий педагог ўз касбий компетентлигини амалиётда тўлақонли намоён этиши учун, энг аввало, ўқувчилар билан тўғри муносабат ва ўзаро ишончга асосланган алоқа ўрната олиши зарур. Тадқиқотчи З.Т. Рахимов таъкидлаганидек, педагогнинг конструктив ва ташкилотчилик фаолиятининг муваффақияти унинг болалар психологиясини қанчалик чуқур тушунишига, уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда таъсир ўтказа олишига боғлиқдир. Бу жиҳат ижтимоий-педагогик касбга қўйиладиган биринчи рақамли шартлардан бири ҳисобланади [3].

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, бугунги янгиланишлар даври ва жамиятнинг ижтимоий буюртмаси таълим муассасаларидаги ижтимоий педагог олдида қуйидаги 3-та муҳим вазифани амалга оширишни тақозо этади:

Биринчидан, ижтимоий буюртма асосида ўқувчиларни нафақат билимли, балки ҳаётга мослашган, мустақил фикрлайдиган, замонавий технологиялар ва касб-ҳунар асосларини тушунадиган шахс сифатида тайёрлаш;

Иккинчидан, ижтимоий-тарбиявий ишлар жараёнида ёшларда назарий билимлар билан биргаликда кундалик ҳаётда асқотадиган амалий кўникма ва

ижтимоийлашув малакаларини ҳосил қилиш, уларни узлуксиз ривожланишга тайёрлаш;

Учинчидан, хавф гуруҳидаги ёки ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож ўқувчиларда соғлом дунёқарашни шакллантириш ва маънавий-ахлоқий салоҳиятни юксалтириш. Шунингдек, жамият учун иродаси мустаҳкам, ўз-ўзини англаш ва бошқариш (ўзини назорат қилиш) малакасига эга бўлган ёшларни тарбиялаш орқали уларнинг ғоявий ва миллий-эстетик ғазилатларини қарор топтириш [3].

Ижтимоий педагог олдида турган мазкур вазифаларнинг амалда бажарилиши ижтимоий педагогиканинг амалий фаолият соҳаси сифатидаги асосий стратегияларини асослаб беради. Тадқиқотчи Н.В. Абрамовскихнинг илмий қарашларига таянган ҳолда, ижтимоий педагогнинг касбий фаолиятида 3-та етакчи стратегия ва уларга мос келувчи ролларни ажратиб кўрсатиш мумкин [1]:

Биринчи стратегия — шахсни жамиятга интеграция қилиш (унинг ижтимоийлашуви, ижтимоий тарбияси, шаклланиши ва ривожланиши). Бунда ижтимоий педагогика бевосита шахснинг ижтимоий ривожланишига хизмат қилувчи педагогика сифатида намоён бўлади;

Иккинчи стратегия — социумни (ижтимоий муҳитни) педагогизациялаш, яъни болани ўраб турган муҳитни тарбиявий жиҳатдан мақсадга мувофиқлаштириш. Бу ўринда ижтимоий педагогика «муҳит педагогикаси» вазифасини бажаради;

Учинчи стратегия — шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсирни бошқариш ва мувофиқлаштириш. Мазкур ҳолатда ижтимоий педагогика ижтимоий иш (ижтимоий ҳимоя) педагогикаси ролини ўтайди.

Шундай қилиб, замонавий илмий тадқиқотларни умумлаштирган ҳолда шуни хулоса қилиш мумкинки, ижтимоий-педагогик фаолиятни амалга оширувчи субъектлар қанчалик хилма-хил бўлмасин, бу машаққатли жараённинг ягона ва марказий объекти — бу ижтимоий тарбия ва таълим тизимидаги шахс (ўқувчи) ҳисобланади [1].

Юқоридаги таҳлиллар ва илмий-назарий қарашларни умумлаштириб, шундай хулосага келиш мумкинки, бугунги кунда таълим муассасаларидаги ижтимоий педагогнинг касбий фаолияти анъанавий (шаблонларга асосланган) ёндашувлардан бутунлай воз кечишни тақозо этмоқда. Замонавий ижтимоий-педагогик фаолият — бу шунчаки муаммоли ўқувчиларни аниқлаш ва уларга панд-насиҳат қилиш эмас, балки ҳар бир боланинг тақдирига «кейс-менежмент» асосида ёндашадиган, унинг илдизларини маҳалла ва оила институти билан ҳамкорликда даволайдиган тизимли механизмдир.

Мазкур механизмнинг самарадорлиги эса тўғридан-тўғри мутахассиснинг касбий компетентлигига, унинг ўқувчилар билан ишончли психологик алоқа ўрната олиш маҳоратига боғлиқ. Ижтимоий педагог бир вақтнинг ўзида ҳам

шахсни ривожлантирувчи (субъектни жамиятга қўшувчи), ҳам таълим муҳитини соғломлаштирувчи, ҳам бола ва жамият ўртасидаги мураккаб муносабатларни бошқарувчи воситачи (менежер) сифатида намоён бўлади.

Демак, ижтимоий-педагогик фаолият стратегиялари ва усуллари қанчалик инновацион, кўп қиррали ёки мураккаб бўлмасин, уларнинг барчаси ягона олий мақсадга хизмат қилади: хавф гуруҳидаги ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳар бир ўқувчини жамиятдан ажратиб қўймасдан, аксинча, унинг ички потенциалини рўёбга чиқариш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ва жамиятнинг тўлақонли, мустақил аъзоси сифатида ижтимоийлашувини таъминлашдир.

### Фойдаланган адабиётлар:

1. Абрамовских Н.В. Специфика профессиональной деятельности социального педагога // ОНВ; 2009, №6 (82).
2. Бахриева Н.А. Таълим муассасалари мутахассислари касбий компетентлигининг тузилиши //Современное образование (Узбекистан); 2019, №9; (82).
3. Рахимов З.Т. Таълим ислоҳотларини амалга оширишда педагогда мужассам бўлиши зарур бўлган касбий сифатлар// Современное образование (Узбекистан); 2022, №5 (114).
4. Мальцева Т.Е., Мальцев С.Н. Социализация как социально-педагогический феномен //Омский Государственный Университет, Омск, 2020. №1.